



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингида кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуғ тарихий сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этман.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустақкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод

ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё миқёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислохотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда **“Инсон – жамият – давлат”** деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустақкамлаш, кекса авлод вакиллари, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципаал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз – турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги – 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмоқдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига асосан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, мудофаа қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиз эсдалик нишони билан тақдирланди.*

*Пойтахт ҳокимлигида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев туман ҳокимлари, ҳокимлик тизимида фаолият юритаётган ходимлар, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалардаги фаоллигини ҳамда самарали меҳнатини эътироф этиб, уларга “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонларини топширди.*



**Нигора Эшметова,  
Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси:**

— Бугунги кунда мамлакатимизда жумладан, ўзим фаолият юритаётган партияда ҳам аёллар ҳуқуқ ва эркинликларига оид қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу ислохотлар натижаси ўлароқ 26 йиллик иш фаолиятим давомида мен ҳам мамлакатимиз аёллари сингари ютуқларга эришяпман. Куни кеча “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирландим. Президентимиз фармонига асосан таъсис этилган бу мукофот камтарона меҳнатларимизнинг самараси деб биламан. Уйлайманки, мен каби мукофотланганларнинг ҳар бири эътибордан боши кўкка етди ва янада шиддат билан Ватанга хизмат қилишда давом этамиз.

**Нодиржон Суюндиков,  
“MaxWell style” МЧЖ таъсисчи директори:**

— Тадбиркор сифатида 20 йилдан бери фаолият юритаман. Республикада тадбиркорликка йилдан йилга имтиёзлар, қулайликлар яратилмоқда. Бунинг исботи қилиб шуни айта оламанки, фаолиятимиз бир соҳага ихтисослашиб қолмаган. Қайси соҳада талаб ва таклиф юқори бўлса кўрқмай шу йўлдан бора оламиз. Шу ўринда Тошкент – тадбиркорлар учун ниҳоятда кенг кўламли майдон эканлигини алоҳида таъкидлайман. Шу соҳада озми кўпми қилган меҳнатларимиз юртбошимиз томонидан юксак баҳоланди ва “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирландим. Эътироф бизни янада улкан мақсадлар сари етаклайди!



**Хаётхон Кўчқорова,  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори:**

— Фаолиятимиз давомида қабул қилинаётган давлат дастурларида ижтимоий соҳа бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишда нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни яъни ижтимоий шериклик асосида кучайтиришга ҳисса қўшиб келмоқдамиз. Бу қандай тарзда деб савол берсангиз шундай деб жавоб бераман: биз 2 йилдан буён нодавлат-нотижорат ташкилотларга давлат грантларини ажратамиз. Бу кўкрак нишонини шаҳар ҳокимимизнинг қўлидан олаётганимда, кўзимга ёш келди. Чунки бу менинг ва ёнимдаги жамоамнинг меҳнати учун берилган баҳо деб биламан.

**Умида ҲАҚБЕРДИЕВА  
тайёрлади**





## "ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ 16 КУН"

Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (УНФПА) кўмагида ўтказилган халқаро конференцияда гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш зарурати, хотин-қизлар ҳуқуқларини институционал ҳимоя қилишда хотин-қизлар масалалари бўйича тегишли кўмитанинг роли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан аёлларни ҳимоя қилиш механизмлари каби

**Жорий йилнинг 6 декабрь санасида Тошкентда зўравонликка қарши курашни институционализация қилиш ва медида гендер сезгир образларни яратишга бағишланган халқаро конференция ўтказилди.**

долзарб мавзулар муҳокама қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси аъзоси Саида Мирзиёева Саида Мирзиёева "Оиладаги зўравонлик оиланинг

ички иши эмас, бу муаммо бутун жамиятга тегишли. Аёл ўз дарди билан ёлғиз қолиб кетмаслиги керак", деди ва оиладаги зўравонликни жиноят деб баҳолашни таклиф қилди.

Шунингдек, мамлакатимизда "Зўравонликка қарши 16 кун" шио-

ри остида туркум тадбирлар ташкил этилмоқда. 25 ноябрдан 10 декабргача давом этадиган тадбирдан мақсад, давлат ва жамиятнинг эътиборини аёллар ҳуқуқи ва гендер тенглик муаммоларига қаратишдир.

Маълумот ўрнида, октябрь ойида Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг 9 ой давомидаги статистик маълумотларига кўра Ўзбекистонда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари 27 000 дан ортиғи оилада, 3 000 дан ортиғи кўчада, 1000 дан ортиғи жамоат жойларида содир этилган.

**Яшнобод туманида** жойлашган Мономарказда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги Фармони билан таъсис этилган "Ўзбекистон Конституциясининг 30 йил" эсдалик нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди. Туманнинг меҳнаткаш ва фидойи инсонларидан 154 нафари мазкур эсдалик нишонини Тошкент шаҳар ҳокимининг оила ва хотин-қизлар бўйича ўринбосари Нодира Умарова ва Яшнобод тумани ҳокими Бахтиёр Раҳмонқулов бошқарма ва идоралар, тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳоким ёрдамчилари, фахрийлар ва ёшларга тантанали равишда топширди.



**Учтепа туманида** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги муносабати билан ҳамда ёшларимизнинг Конституцияга оид билимларини янада ошириш мақсадида, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши ЎзЛиДеП гуруҳи депутатлари Илҳом Хамроев ва Жафар Исмановлар ташаббуси билан Халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Конституция билимдони» тадбири ташкил этилди. Мазкур тадбир тумандаги 238-умумтаълим мактабида ўтказилиб, унда ҳудуддаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўз конституциявий билимларини ошириш билан бирга, алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларга эсдалик совғалари ҳам топширилди.



**Яккасарой тумани** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонида асосан, давлатимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий салоҳиятини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари; кадр-қиммати улуғладиган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча соҳа вакиллари эсдалик нишонини билан тақдирланмоқда. Яккасарой туман ҳокимлигида ҳам "Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги" эсдалик нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Эсдалик нишонларни туман ҳокими Анвар Сайфутдинов топширди.



**Олмазор туманида** кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва оилавий поликлиникаларда бирламчи тиббий-санитария хизматини ислоҳ қилиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида пилот лойиҳалар ишга туширилган. Бугунги кунда ислохотларнинг дастлабки самаралари кўзга ташланмоқда. 2023 йилнинг 1 февраль санасидан тумани тиббий бирлашмаларида энди ходимлар янги тажриба яъни рейтинг асосида рағбатлантирилади. Режага кўра, кўрсаткичлар ҳар 6 ойда янгиланган бўрилади.

**Миробод туман** ҳокимлигида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" доирасида қиш мавсумида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш масалалари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир доирасида туман фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан тааллуқли корхона, ташкилот, идора, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жойлардаги вакилларида иборат штаб аъзолари ўзаро фикр алмашишди. Йиғилганларга қиш мавсумида аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, одамларнинг ҳаёти, соғлиғи ва моддий бойликларига зарар етказиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш масалалари юзасидан муҳим кўрсатмалар берилди.



## Депутат минбари

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига асосан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, мудофаа қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиз эсдалик нишони билан тақдирланди.**

**Тақдирланганлар орасида МТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Отабек Жиянбоев ҳам бор.**

— Отабек ака, аввало сизни мукофот билан табриклаймиз.

— Раҳмат, тўғриси бундай рағбатдан бошим осмонга етди. Менинг камтарона меҳнатим қадрланганидан миннатдорман.

— Айтингчи, бугунги кун депутати сизнингча қандай бўлиши керак?

— Халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида халқ вакиллари бўлган депутатларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бугунги кун депутати доимо огоҳ, сайловчилар муаммосини ўз муаммосидек қабул қилувчи, уларнинг ҳолидан хабардор ва кўмакка тайёр бўлган фидоий инсонлардир. Албатта фидоий деб аташга асосларимиз етарли. Сабаби, маҳаллий Кенгаш депутатлари ойлик маош олмай ўз ваколати доирасида халққа ҳолисонан кўмак берувчи ва ушбу ишдан ҳузур олувчи кўнгилли инсонлардир.

— Билишимизча, сиз битта округдан бир неча маротаба депутатликка сайлангансиз...

— Мен Тошкент шаҳар «18-Темирйўлчилар» сайлов округида депутат сифатида фаолиятимни олиб бормоқдаман. Мазкур ҳудуд мен учун жуда қадрлидир. 2001 йилдан 2009 йилга қадар айнан шу ҳудудда жойлашган 1-сонли Тери-таносил касалликлари диспансерида шифокор сифатида ишлаган эдим. Мазкур диспансер ёпилганидан сўнг, унинг биноси маҳалла фуқаролар йиғинига берилиб, мен учун ҳам бу ерда хона ажратилган. Буни қарангки, илгари шифокор сифатида фаолият юритган бинода эндиликда депутат сифатида фуқароларни қабул қиляпман.

Отабек Жиянбоев:

## "ДЕПУТАТЛИК — БУ ФИДОЙИЛИКДИР"



Маҳалла аҳолиси мен учун жуда яхши таниш бўлиб, ўзим шифокор сифатида кўмак бериб келган фуқароларимиз билан ҳозирда депутат сифатида ишламоқдаман.

— Маълумки, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ҳар бир депутатга 2 миллиард сўмдан пул ихтиёрига берилиб, улар бу маблағни ўзлари лозим деб топган мақсадлар учун ишлатади. Мазкур амалиёт бугунги кунда ўзини қанчалик оқлапти, дейиш мумкин?

— Мазкур амалиёт йиллар давомида ўзини муваффақиятли оқлаб мазкур маблағлар ҳисобига маҳаллалардаги кўплаб муаммолар ўз ечимини топмоқда. Ушбу йўналишда ҳам самарали ишларни ташкил этиб сайловчилардан тушган мурожаатларни тегишли тартибда ўрганиб чиқиб, маблағларни соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим йўналишидаги муаммоларни ечими юзасидан йўналтириб кўплаб амалий натижаларга эришмоқдаман. Шу ўринда ҳар бир депутат ўзига берилган ваколатлардан унумли фойдаланиши ва бу жараёнларга масъулият билан ёндашишини истаган бўлардим. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига ажратилган 2 миллиард сўм миқдоридаги пул маблағларидан барча депутатлар ҳам унумли фойдаланишмоқда, деб айта олмайман. Йил сўнггида ушбу маблағларни мулақо ишлатилмаган ҳолда бюджетга бус-бутунлигича қайтариб топшираётган депутатлар ҳам орамизда борлиги ачинарли ҳол.

— Отабек ака, сиз маҳаллий кенгаш депутати бўлиш билан бирга ўз тадбиркорлик фаолиятингизни ҳам олиб борасиз. Бири иккинчисига халақит бермайдими?

Жиянбоев Отабек Эшдавлатович — 1974 йил 2 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент Педиатрия Медицина институтини 1997 йилда тамомлаган. 2011 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси. «Magnum Medikal Servis» тиббий жиҳозлар ишлаб чиқариш корхонаси бош директори, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилар ва тиббий асбоб-ускуналар етказиб берувчилар уюшмаси раиси, «MEDIKAL HOLDING SINTEZ» ҚК МЧЖ ишлаб чиқариш корхонаси бош директори. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси. Oilали, икки ўғил ва икки қизнинг меҳрибон отаси.



— Асосий иш фаолият туримдан вақт ажратиб, фуқаролар муаммоларини ўрганиш учун мунтазам сайёр қабулларда иштирок этаман. Сайловчиларим орасидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ҳомийлик асосида бўлса ҳам ўз ёнимдан кўмак беришга ҳаракат қиламан. Айрим ҳолларда ҳисобчим: "Биз борган сари хайрия ташкилотига айланиб қолмаяпмизми? Ахир фойдадан кўра, хайрия кўпайиб кетяпти", деб эътироз ҳам билдириб қолади. Аммо, ҳудуддаги фуқароларнинг муаммоси ҳал бўлиб, менга миннатдорчилик билдирганларида тадбиркор-

лик фаолиятимдан топаётган даромадимни сарфлаётганимдан афсусланмайман. Бу йил Тошкент шаҳар Кенгашида ташкил этилган «Меҳр-саховат» жамғармаси ҳисобидан 50 нафардан ортик фуқароларга 2 миллиондан 5 миллион сўм миқдоридан пул маблағларини масъуллар ёрдамида тарқатдик. Мазкур жамғарма узоқ йиллардан буён ётоқда бўлган, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган фуқароларга дори-дармон олишларида амалий кўмак бериш мақсадига йўналтирилган бўлиб маблағ ажратилиш учун депутатдан анчагина меҳнат ва саъй-ҳаракатлар талаб этилади. Мазкур пул маблағлари ҳам фуқаро мурожаатларини ўрганиб чиқиш, тегишли ҳужжатларни тўплаш, комиссияга тақдим этиш каби жараёнлар орқали тасдиқланган, чиндан ҳам муҳтож бўлган фуқароларга топширилди.

— Бугунги кунда депутат сифатида сизни қандай муаммо ёки тўсиқлар қийнамоқда?

— Биласизми, депутат сифатида ташкилот раҳбарларига айтадиган сўзларим бор. Биз кўп ҳолларда фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш учун депутатлик сўровини юборамиз. Аммо, айрим раҳбарлар бу сўровимизни бефарқ қолдириб, унинг ижросини йилдан йилга суриб юришади. Бу эса фуқаролар олдидаги вазифамизни тўлиқ бажаришимизга тўсқинлик қилмоқда. Натижада эса одамларнинг ишончини йўқотамиз. Мен ҳамма раҳбарлар шундай, деб айтмоқчи эмас, аммо ўз вазифасига совуққонлик билан қараётганлари ҳам йўқ эмас.

— Сўнгги сўз ўрнида айтмоқчи бўлганларингиз...

— Конституциямизнинг 30 йиллиги арафасида Президент фармонига асосан эсдалик нишони билан тақдирланишим, мени янада илҳомлантирди. Албатта, бундай рағбатдан сўнг яна катта шижоат, янги мақсадлар билан депутатлик фаолиятимни давом эттираман. Шу ўринда барча юртдошларимизни Конституциямизнинг 30 йиллиги билан чиндилан табриклайман.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА 30 ЙИЛ

**Айтиш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар Бош қомусимизга асосланган. Дейлик, Ўзбекистон давлатчилиги асосларини қуриш ёки фуқаролик жамиятини шакллантиришдан тортиб, то инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар бўладими, буларнинг барчасининг замирида Конституция ётади. Маълумки, ҳозирда юртимизда Конституциявий ислохотлар олиб борилмоқда. Хўш, Конституцияга нима учун айнан ҳозир ўзгартиришлар киритилапти, нима сабабдан олдин ёки кейин эмас? Биз ана шу саволга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент Фарҳод Примовга мурожаат қилдик.**



## Конституцияда халқ фикри акс этади

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган ислохотлар ҳам Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб қилди. Бундан ташқари, “Тараққиёт стратегияси”да белгиланган вазифалар борки, булар ҳам Конституциямизга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Ушбу Конституциявий ислохотларнинг энг муҳими шундаки, уларда халқнинг фикри акс эттирилмоқда. Кўплаб нормаларни кўришимиз мумкинки, жуда кўп йиллар давомида, айниқса, оддий инсонларни қийнаб келган муаммоларга ечим бўлади. Ва айнан шу жиҳатдан ҳам давлат халққа янада яқинлашмоқда, деб айтишимиз мумкин. Шу билан бирга Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари билан бирга давлатнинг янги мажбуриятлари ҳам белгиланмоқда. Айтиш жоизки, инсон ҳуқуқларини Конституциянинг ўзида белгилаб қўйиш, тан олиш камлик қилади, яъни уларни белгилаш билан бирга кафолатлаш ҳам керак бўлади. Бу галги ўзгартиришларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, Конституцияга киритилаётган инсон ҳуқуқларига оид ҳар бир қоида-нинг тагида давлатнинг мажбурияти ҳам белгилаб қўйилмоқда.

## 160 миллионга яқин таклифлар келиб тушган

Бугунги кунга қадар фуқаролардан Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида 160 миллионга яқин таклиф ва тавсиялар келиб тушган. Ва шу таклифлар асосида ҳозир-

ги кунда Конституциямизнинг 76 та моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Бундан ташқари, 15 та мутлақо янги модда ва 1 та боб киритилапти. Агар биз Конституциявий ислохотлар асосчиси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев деб билсак, ундаги ўзгартириш ва қўшимчалар ташаббускори халқ ҳисобланади. Таклифлар турли соҳаларда келиб тушмоқда ва қувонарлиси, фуқаролар нафақат ўз ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ бўлган масалаларда, балки давлат бошқарувида дахлдор бўлган масалаларда ҳам ўзларининг таклифларини билдирмоқда. Масалан, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, маҳаллий ҳокимият органларини ислоҳ қилиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш масалалари билан боғлиқ муҳим таклифларни кўришимиз мумкин бўлади.

## Энг аввало, инсон ҳуқуқлари

Конституцияга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг устувор жиҳати инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳисобланади. Энг аввало, инсон ҳуқуқларини Бош қомусимизда белгилаш ҳамда уларни кафолатлашга қаратилган янги қоида киритилапти. Шунингдек, шахс ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар борки, масалан, шахснинг айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўладиган бўлса, у жавобгарликка ва жазога тортилмайди ёки шахснинг судланганлиги унинг яқин қариндошларининг ҳуқуқларини чеклашга асос бўла олмайди, деган қоидалар киритилапти. Буларнинг барчаси инсонларнинг шахсий ҳуқуқларини кўпроқ ҳимоя қилиш ва бу борадаги тизимли муаммоларга ечим бўлиши учун қабул қилинмоқда. Ва шу билан бирга инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетганда, унинг шахсий ҳуқуқлари билан бирга ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳам кафолатланиши белгиланмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Конституцияда шахснинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга оид мажбуриятларни ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, ишсизликни қисқартириш, камбағалликка қарши курашиш билан боғлиқ давлатнинг аниқ мажбуриятлари Конституцияда белгилаб қўйилапти. Ёки аёллар ва болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган алоҳида қоида ва моддалар ҳам ўз ифодасини топган. Мисол учун, ёш боласи бор ёки ҳомиладор бўлган аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш билан боғлиқ бўлган қоида киритилапти. Шунингдек, жиноят процессуал муносабатлари, айниқса, шахснинг ҳуқуқлари жуда муҳим ҳисобланади. Кўп ҳолларда



шундай бўладики, маълум бир шахс қандайдир жиноятни содир этганликда гумон қилиниб, ушланади ва яқинлари 2-3 кун мобайнида унинг қаерда эканлигини билмайди. Кейин маълум бўляптики, у қайсидир ҳуқуқ тартибот идорасида ушлаб турилибди. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида ҳам янги қоидалар киритилаптики, бу ўша жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суднинг ўрнини ошириш билан боғлиқдир. Яъни шахснинг айби судда муҳокама қилинганидан сўнг исботланиб, суднинг бу борадаги тегишли қарори қонуний кучга кирмагунча айбдор ҳисобланмайди, деган қоида киритилмоқда.

## Конституциявий ислохотлар инсон қадрини учун

Албатта, Конституциямизга киритилаётган барча ўзгартириш ва қўшимчаларнинг туб мазмуни инсон қадрини ҳисобланади. Бунинг ёрқин далили сифатида инсон қадрини улуғлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашга оид бўлган моддаларни кўришимиз мумкин. Бу шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар бўладими ёки бошқа соҳадаги ҳуқуқларми, барчасининг замирида инсон омили ётади. Агар бу ўзгартириш ва қўшимчалар Конституцияда ўз аксини топадиган бўлса, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш билан боғлиқ бўлган янги давр бошланади, деб айтишимиз мумкин.



Шоҳида ЗУФАРОВА  
тайёрлади

## Оқшом меҳмони



#421814076



# Азиза БЕГМАТОВА: Мен енгилмадим!

## Ҳаммаси кутилмаганда ўзгариб кетди...

Сурхондарёнинг Термизида тутилганман. Болалигимдан санъатни севардим. Еттинчи синфда ўқиётганимда ё пианиночи ё хонанда бўламан, деганман. Аммо Термиз шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Билим юртини битиргач, ўқитувчим мендан: “энди нима қиласан?”, деб сўрагани. “Тошкентга ўқишга бораман”, деганим эсимда. Болалар уйида катта бўлганим учун мени ҳозирги Миллий университетимизнинг филология факультетига имтиҳонсиз қабул қилишган. Имтиҳонлар тугади ва ётоқхонада бир ўзим қолдим. Ёшгина қизман, катта шаҳарда юрибман... Тошкент кўчалари бўйлаб юриб Бешёғочга бориб қолибман. Кутилмаганда Бешёғочда мактабда бирга ўқиган дугонамни кўриб қолдим. Унга ўқишга кирганимни айтдим, у менга Санъат институти ҳақида гапириб берди, менинг хаёлларим тўзғиб кетди. Бундай даргоҳ борлигини билмасдим, дугонамга эргашиб Санъат институтига бордим... Ҳаммаси кутилмаганда ўзгариб кетди... Ва мен ҳужжатларимни Миллий университетдан қайтариб олдим ва тақдиримни санъат билан боғладим... Санъат даргоҳида Тошхўжа Хўжаев каби улуг устозлардан сабоқ олганим менинг бахтим бўлди.

## Мен енгилмадим!

1966 йилда театрға ишга келганман. Қаранг, орадан қанча йиллар ўтиб кетди! Бу йиллар давомида нималарни кўрмадим, кимлар билан ишламадим дейсиз... Санъат, айниқса, театр фидоиларники! Агар сахнани севмасангиз сиз унинг синовларига дош

беролмайсиз. Бир пайтлар мени шу сахнага сиғдирмаган, ишдан кет, деб юзимга айтганлар бўлди, “ташландиқ” деб камситганларни кўрдим... Йиллаб роль кутганларим эсимда... Қаранг, улар кетди, лекин мен қолдим. Мен енгилмадим, ижодим учун, касбим учун фақат меҳнат билан курашдим. Бу осон бўлмади, ҳаёт мени аямади. Чидадим, сабр қилдим ва галаба қозондим!

## Баҳодир Йўлдошев ва мен...

Баҳодир Йўлдошевнинг санъатдаги тақдиримда беқиёс ўрни бор. Ишонасизми, йиллар давомида жуда кўп роллар ўйнаганман, лекин ҳеч ким мени Баҳодир Йўлдошев каби кашф эта олмаган. Шу инсонни унута олмайман... “Азиз, қандайсиз, уй-ичилар яхшими...” доим шундай кутиб оларди мени... “Чеча” спектакли менинг ижодимга янги даврни, мен кутган кунларни олиб келди. Бу роль

маромига етиши учун Баҳодир ака мени ўзимни англашга мажбур қилди. Ҳозир бутун Ўзбекистон учун чечаман! Қаерда бўлмай, кўрган одам борки, исимини айтмай чеча, деб чақиради. Мен бу шараф учун режиссёр Баҳодир Йўлдошевдан бир умр миннатдорман.

## Қолип

Доим қолипга тушиб қолишдан қўрқаман. Лекин ҳамма образларимни томошабин чеча билан таққослайди. Биласизми, янги роль олишим билан ўзимни назоратга оламан. “Ҳей, эҳтиёт бўл, излан, чечага ўхшаб қолма”, дейман ўзимга ўзим... Олимжон Салимов билан ҳам янги асарда ишладик. Улар қатъий “чечани такрорламанг”, деди.

## Мен театрға керакман

Шундай актёрларни биламан, телефонга кўз тикиб, ким менга роль бераркин, деб кутади. Шукрки, мен ҳозир сахнада ҳам, экранда ҳам бандман. Кераклигингни ҳис қилиш бу жуда гўзал ҳиссиёт!

Азиза Бегматова  
1943 йил 7 сентябрда  
Сурхондарё вилоятида  
туғилган. Актрисанинг  
болалиги уруш йилларига  
тўғри келганлиги  
сабабли болалар уйида  
улғайган.



Элёр Носиров,  
Ўзбекистон халқ артисти:


— Азиза она аввало меҳнаткаш! Бир иш топширилса, бизнинг тил билан айтганда, роль берилса тиштирноғи билан ёпишади. Охиригача курашади ва ўзининг имкониятини намойиш этади. Шу пайтгача Азиза Бегматовани сабабсиз сахнага чиқмаганини, бир марта бўлса-да репетиция кеч қолганини эслай олмайман. Шунча фидоий аёл! Қийинчилик кўрган, дардни, заҳматни билади, шу сабабли ҳам одамларни қадрлайди.



Дано Бобохонова,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган артист:

— Азиза Бегматова — ҳеч кимга ўхшамаган актриса. У сахнада ёнади, ролларида яшайди. Биз Азиза билан 54 йилдан бери биргамиз. Азиза ўзига хос актриса, унинг ролларини истасангиз ҳам у каби маромига етказиб ўйнай олмайсиз. Бу аёлнинг яна бир бахти турмуш ўртоғининг улкан муҳаббати эди. Азизани жуда авайлаб-асрарди, уни сахнада бўлиши учун оиласи доим шароит қилиб берарди. Азиза — бахтли аёл!





## БИЗ БИЛГАН ҒАНИ АЪЗАМОВ

*Ҳаёт аслида катта бир сахна. Унинг бағрида ҳар биримизнинг ўз "образимиз" бор. Қарангки, умримиз давомида томошабинлар – ёнимиздагилар бизни хатти-ҳаракатларимиз асосида "яхши одам", "феъли чатоқ", "бағрикенг инсон", "одамгарчилиги йўқ" деган турфа хил эътирофу эътирозлар билан сийлаб бораркан... Ўзбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов сахна ва экрандаги образлари каби содда, самимий, дилкаш инсон эди. Бугун оқшом эсдаликларида халқнинг санъаткорини хотирлаймиз!*

*Ғани Аъзамов 1909 йилнинг 7 январида Тошкентда тугилган. 1930 йилда Ҳамза ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрига ишга келган. 1961 йилда актёрга Ўзбекистон халқ артисти унвони берилган. Ғани Аъзамовнинг икки ўғил, икки қизи бор. 10 дан зиёд неваралари, 40 дан ортиқ эвара-чеваралари бор. Энг қизиги буюк актёрнинг фарзандлари ҳам, невара-эваралари ҳам санъат йўлини танламаган.*



**Рихси Иброҳимова,**  
Ўзбекистон халқ артисти:

— Ғани Аъзамов жуда ажойиб инсон эди. Бир гўзал қалби, туганмас меҳри бор эди. Устознинг ҳазиллари ҳам чиройли эди. Ижодий сафарларга борганимизда доим оила аъзоларига совғалар олар эди. Умр йўлдоши Тошхон Ғани акани бошқача эъзозларди. Биз ҳазил қилсак, "Ҳо, мени ҳам рашк қилади-ганлар бор" дерди мақтаниб. Жуда оилапарвар инсон эди. Театрга бир файз билан келарди, кўрсак юзимизга табассум югурарди. Ғани ака ҳазил билан айтарди "Ҳаммада шода-шода медаль, мукофот менда чойнак қопқоқ ҳам йўқ", деб ҳазил билан гина ҳам қиларди.


**Ёдгор Саъдиев,**  
Ўзбекистон халқ артисти

— Ғани Аъзамов менга ота қадрдон. Бу инсон менга отам ҳақида кўп гапларни айтиб берган. Ғани аканинг театрда иккита катта роллари "Олтин девор" билан "Куёв" спектакларида бўлган. Бу асарлар халққа тўла қонли етиб боришида шубҳасиз Ғани Аъзамовнинг маҳорати билан боғлиқ. "Мафтунингман" фильмидаги сартарошни эсланг... ким яна шундай ижро эта олади ўша ролни... назаримда ҳеч ким! Бетакрор санъаткор мана шундай бўлади, ўйнаган ролларини ўзи билан олиб кетади.



**Элёр Носиров,**  
Ўзбекистон халқ артисти:

— Устозни яқиндан билганлар "Ғани тажанг" дейишарди. Бир жаҳллари келиб қолса қочишга жой топиб бўлмасди. Маҳалласида раис бўлган, маҳалладошлари бу инсонни ҳам яхши кўрар экан, ҳам чўчиб турар экан! Бир куни менга хонамга кир, деб қолдилар. Юрагим така-пука бўлиб кирдим. Энди менга қара ўғлим, "Олтин девор"да менинг ўғлимни ўйнайдиган Нодир аканг семириб, кал бўлиб қолди. Катта бўлиб қолди шекилли... энди спектаклда сен менинг ўғлимни ўйнайсан, қараб ўрганиб юр, ўзим сен билан репетиция қиламан" дедилар. Бу мен учун бахт эди. Телевидение архивидаги "Олтин девор" спектакли 1983 йилда ёзилган. Мен бахтли актёрман Ғани акадек санъаткор билан ёнма-ён ишлаганман.



**Тоҳир Саидов,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Биз устоз билан ижодий сафарларга кўп чиқардик ва бундан фахрланардик. Турғун Хонтўраев билан Ғани аканинг ёши ўртасида адашмасам 10 йилча фарқ бор эди... Биз ёшлар бу икки устозимиз билан кўп ҳазил қилардик. Сафарларда Турғун акага ҳам, Ғани акага ҳам бир хил совға беришарди. Чопонлар, пичоқ, дўппи ва шунга ўхшаш эсдалик совғалари. Биз Ғани акага "иккиси ҳам бир хил экану, лекин Турғун аканинг совғаси материали сизникидан пича қимматроқ шекилли", десак дарҳол ҳазиллашиб совғаларни алмаштириб олардилар. Шунда Турғун ака "бунисини ҳам олинг", дея хафа бўларди. Баъзида "Аввал Ғани кийиб, кўриб олсин, қолганини мен оларман", деб жавоб берарди. Устозларимизни охиратлари обод бўлсин!



**Дилбар Исмоилова,**  
Ўзбекистон халқ артисти:

— Менга бу воқеани онам, халқ артисти Зайнаб Садриева айтиб берган. Ижодий сафарга авваллари икки-уч ойлаб кетиларди. Тошхон ая онам Зайнаб Садриевага "илтимос, опа Ғани акани ош-овқатига қараб туринг", дебди. Аям ҳам Ғани Аъзамовнинг аёлларига "хавотир олманг, ўзим кўз-қулоқ бўлиб тураман", деб сафарга кетибди. Орадан уч ой ўтиб Тошкентга қайтишибди. Хуллас, Тошхон ая онамга кўнги-роқ қилиб, сафар баҳона турмуш ўртоғини суриштирибди. Аям ҳам бир ҳазил қилай деб: "Оо-оҳ, Тошхон сиз билмайсиз, нималар бўлди сафарда..." деб кўнглига гўлғула солибди. Шу билан эртасига театрда келиб, ҳовлида Икром Болтаева, Сора Эшонтўраевалар билан суҳбатлашиб турсалар, театрнинг эшигидан Ғани ака "Зайнаб", деб бақриб кириб келибди... Аям дастлаб тушунмабди, кейин тезда хаёлига кечаги Тошхон ая билан суҳбати эсига тушибди-ю, қочибди... Уларнинг ҳазиллари ҳам ўзлари каби самимий бўлган.

**Зебо ХОМИДОВА**  
тайёрлади





## Қайдлар

БИЗ  
КИММИЗ?

Агар одамзот ўзини фақатгина ҳайвондан ҳимоя қилишни ўйлаб, хавотирга тушганда эди, бунчалик даҳшатли қуролларни яратмасди.

Уйингни ё оилангни айиқ ёки бўридан қўриқлаш учун танк, замбарак, атом бомбасининг кераги йўқ-ку!?

\* \* \*

Отилган ҳар бир ўқ ердан ташқарига чиқиб кетмайди. Отилган ҳар бир ўқ ўлжасига тегмаслиги мумкин, лекин у заминни ярадор қилади — замин бағрига санчилади.

Одамзот яраланган замин устида яшайпти. Ярадор заминнинг бардоши тугаб бораётганини сезмаяпти. Унинг сабртоқати, чидами чилпарчин бўлган лаҳзада эса, инсоният ўз хатосини англаб улгуришга ҳам фурсат тополмай қолади — ҳаммаси ониятда юз беради.

\* \* \*

Ўқувчи асримиз ҳақида бор йўғи бир жумлагина иншо ёзди:

«XXI аср — одамзотнинг бир қўлида гул, бир қўлида қурол...»

Иншо танловда ғолиб бўлди. Уни баҳолаган муаллим жумла тагига шундай изоҳ ёзди: «Катта бир асар ўқидим...»

\* \* \*

Одамит уруш қилади, бири-бирини қиради, ер устида ер талашади, ер усти унга торлик қилади. Ер усти инсонга торайган сайин ер ости кенгайиб бораверади.

\* \* \*

Фаришта заминга тикилиб турибди; Ерда уруш.

Фаришта қайғуга чўмди: «Булар Ердан ҳам қувилса, қаерга сиғишаркан?»

Бу саволнинг жавоби борми? \*

Биз киммиз?!



## АКТЁРНИНГ СЕВГИСИ

— О, о, о! Зулфияжон, ҳавони айтмайсизми? Майин-майин ёмғирлар... Тоғлар булутларга тегиб қадалиб турибди. Мен тоғдаман!

— О, о, о! Зулфияжон, ўрмонни айтмайсизми? Салқин. Яна ёмғир.

— О, о, о! Зулфияжон! Бунчалик гўзал манзарани кўрмагансиз. Тоғнинг пойида кўл. Чўмилаяпмиз...

— Зуличка, биз ҳозир чуқур зовлик ёнида кетаяпмиз. Пастга қараб бўлмайди, бошингиз гириллаб айланиб кетади, жоним. Ху-ув, зовликда шарқираб, кўпириб сой оқаяпти.

— Зулфияжон, жоним, биз ҳозир арқон орқали, ҳалинчада тоғ чўққисига чиқиб кетаяпмиз. Хўп, эҳтиёт бўламан...

— О, о, о, Зуличка, бизлар Эльбурснинг пойидамиз. Қор, оқпоқ қор. Ёзда қорни кўрганмисиз? Иссиқ кийинганман, жоним! Хўп.

— Зул... Зуличка! Биз қайтаяпмиз. Йўлда... Нарзан сув олдида тўхтадик. Тасаввур қилинг-а, қувурдан Нарзан сув отилаяпти. Ёнимда бўлганингизда эди, Сиз ҳам маза қилардингиз. Хўп, эҳтиёт бўламан!

“... Роса жонга тегди-ку. Лаққи экан. Хотин қули, нима қилса, ҳисобот бераркан. Бу шаллақи миямни мени еб тамом қилади. Эртага хонамни ўзгартирмасам бўлмайди...”. Нусрат ёнида ўтирган, елиб бораётган автобус ойнасидан теваракни қўлтелефон видеосига олаётган актёрга ижирганиб қараб қўйди. Қудрат оғзи қулоғида, қўлтелефон ойнасига термулиб сўзлай бошлади:

—Зуличка! Қайтаяпмиз. Зўр таассуротда. Хонага борганда гапириб бераман. Видеони кўрдингизми? Э-е-ей, телефонининг кучи қолмаяпти, ҳозир ўчади. Хўп, жоним. Оламан, албатта, оламан.

Нусрат шеригига ҳайратомуз қаради. Актёр кўзларини юмиб жилмайган кўйи, бошини автобус ойнасига суяди. Аллақандай кўйни хиргойи қила бошлади. Бир томондан Нусратнинг унга ҳаваси ҳам келди. Олтмишдан ошган одамнинг хотинкули бўлиб, жуфти ҳалолига ҳар лаҳза ахборот бериб туришини ўз феъл-атвориға юқтира олмаслигини ич-ичидан ҳис қилса-да, барибир буларнинг ҳаёти бошқача экан, ким билсин, эр-хотин бир-бирига суяниб қолишгандир, деган хаёлга борди.

— Зулфияжон, биз етиб келдик.

— Зуличка, мен ухляпман, жоним...

— Зулфияжон, осмонни, юлдузлар юзини булут қоплади. Тун бўйи ёмғир ёғса керак. Ким, ҳа-а, шеригимми, индамас бир нараса экан, тошдай қотиб ухляпти. Унинг нима иши бор, мен билан. Э-е-ей, севгидан узоқ одамга ўхшайди.

Нусратнинг сабр косаси чил-чил синди. Ўрнидан даст туриб, чироқни ёқди. Актёр ҳам сапчиб турди. Кўзлари ола-кула. Дағ-дағ титрайди. Нусрат ижирғанди. Қўрқувдан тили калимага келмай гулдираб, бўзрайган актёрнинг рўйи-аҳволини кўриб, шаштидан тушди, шайтонга ҳай берди. Ўзини босди:

— Эрталабдан бошқа хонага йўқолинг. Бу кетишда Сизни бир

бало қилиб қўяман...

— Ни... Нима қиласиз, укажон? — деди актёр қўли кўксига, юзига аянчли тус бериб, худди жазосини кутган қулдай қалтираб.

— Нима қилсам қиламан! Ажинам отланса, манави деразадан пастга улоқтираман. Ўлмасангиз ҳам майда-чуйда бўп кетасиз.

Актёр иккинчи қават деразасидан ерга тарсиллаб тушганини тасаввур этди, бужмайиб ихраб юборди ва ўзини тўшакка ташлаб, устидан кўрпани тортди. Миқ этмади. Дами чиқмади. Нусрат унинг бу ғалати қилғилиғидан ўзини зўрға ушлади, ичидаги кулгу бўронини баъзўр тийди-да, шарақлатиб деразани очди. Кўрпа ичи бир қимирлаб, ихраган овоз келди. Кўрпа ичи гужанак тортди.

Тонг пайти каравот бурчида қовоқ-тумшугидан қор ёққан кўйи бир нуқтага тикилиб турган актёрга Нусрат ачиниб қаради. Кўзлари қизариб кетган, йиғлабди. Унга раҳми келди. “Майли, бошқа такрорламайди, ҳар ҳолда дийдиёсига дам берадиган бўлгандир...”

— Ука, мен Сиздан узр сўрайман, ўз кўнглимни ўзим худшлаб юраман-да. Яхши бир жой, гўзал давраларни кўрсам, беихтиёр янгангизга ҳам илингим келади. Нима қилай, шундай бир дардга йўлиққанман. Ўзимни йўқотиб қўяман... Гапиравераман, гапиравераман. Битта-яримта кимса эсимни қайтармагунча шу аҳволда юравераман. Ишга ҳам бормай қўйганман.

Нусрат энди бу ғалати инсонга янада таажжубланди. Унча-мунча роллар ижро этиб, кино-пиноларда ора-сира кўзга ташланадиган, камнамо санъат одамнинг эровлашидан энди аччиқланди:

— Ундай экан, янгамизни ҳам бирга олиб келинг эди. Нима қиласиз, ўзингизни қийнаб?..

— Бунинг иложи йўқ-да, укажон...

— Нега?

— Янгангиз келолмайди. У киши вафот этганлар. Беш йил бўлди... Лекин мен ҳар куни гаплашаман, — актёрнинг кўзларидан дувиллаб ёш сизди.

Нусрат бир қалқди, юзи жимирлаб, аъзои-тани жунжиқди. Гандираклар эшикка чиқди-да, йўлак бўйлаб ташқарига отилди, оромгоҳ адоғидаги ўриндиққа беҳол чўқди. Оромгоҳ қаршисидаги Кавказ тоғларига термулди. Қалтираган бармоқлари билан қўлтелефон рақамини терди. Унинг ойнасида хотини Ойжамолнинг чехраси пайдо бўлди:

— Омонмисан, Жамол?, — деди у зўрға, — соғлигинг яхшими, Жамол? Тезда ўғлингга айт. Самолётга билет олсин. Эртага рейс бор. Учиб кел! Гапимни бўлма, тезроқ кел... Сен... Сени... Аэропортда ўзим кутиб оламан.

Нусратнинг овози қалтираб чиқди. Бу аҳвол-руҳиятимни хотиним кўрмасин, дедими, унинг жавобини ҳам кутмай, қўлтелефонни ўчирди. Анча пайт тоғларга термулиб турди. Айна тобда хонасига киришга, ўзидан кучли ва қудратли, балким, ер юзидаги барча одамлардан қудратлироқ, хокисор бир самимий инсоннинг ҳузурига боришга юраги дош бермаётганди.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

